

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАЮМОВ ЖАМШИД САЙФУЛЛАЕВИЧ**

**АТРОФ-МУҲИТГА КАМ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЮҚОРИ ОКТАН СОНЛИ  
ЁҚИЛҒИ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА  
ЭКСПЛУАТАЦИОН ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Каюмов Жамшид Сайфуллаевич**

Атроф-муҳитга кам таъсир этувчи юқори октан сонли ёқилғи композицияларини физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш..... 3

**Каюмов Жамшид Сайфуллаевич**

Изучение физико-химических и эксплуатационных свойств мало влияющих на окружающую среду высоко октан числовых топливных композиции ..... 21

**Kayumov Jamshid**

Study of physicochemical and operational properties of high-octane fuel compositions that have little effect on the environment ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАЮМОВ ЖАМШИД САЙФУЛЛАЕВИЧ**

**АТРОФ-МУҲИТГА КАМ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЮҚОРИ ОКТАН СОНЛИ  
ЁҚИЛҒИ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА  
ЭКСПЛУАТАЦИОН ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона  
фойдаланиш**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/K151. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) манзилга ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Турабджанов Садриддин Маҳмаддирович  
техника фанлари доктори, профессор

Нуруллаев Шавкат Пайзиевич  
кимё фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Муталов Шухрат Аҳмаджонович  
кимё фанлари доктори, профессор

Икромов Абдувахоб  
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузурдаги DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02-рақамли Илмий кенгашнинг «28» 12 2020 йил соғат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел: (+99871) 244-79-20, Факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: [info@tkti.uz](mailto:info@tkti.uz)).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№102 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32. Тел: (+99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати «21» 12 2020 й. да тарқатилган  
(2020 йил «21» 12 даги № 9 рақамли реестр баённомаси)



*[Handwritten signature]*

Х.Л.Пулатов

Илмий даражалар берувчи бир  
марталик Илмий кенгаш раиси,  
к.ф.д. доцент

*[Handwritten signature]*

Ф.Б.Игитов

Илмий даражалар берувчи бир  
марталик Илмий кенгаш котиби,  
PhD, доцент

*[Handwritten signature]*

К.Г.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи бир  
марталик Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д. доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда автомобил транспортида ишлатиладиган суёқ ёқилғиларни ёниши туфайли чикувчи заҳарли газларни миқдорини янада камайтириш ва экологик талабларга мос келувчи муқобиллантирилган ёқилғиларни янги композицион турларини ишлаб чиқишга тегишли тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида атроф-муҳитни муҳофазаси билан боғлиқ бўлган талаблар кўрсаткичларига мос келувчи ёқилғиларнинг рецептурасини ҳам компонентларини яратиш усулларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда атроф-муҳитга безарар ёқилғи турларини олиш ва қўллаш бўйича, қуйидаги йўналишларда ечимларни илмий асослаш: муқобил эритувчилардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида этанол ва метанол-бензин аралашмаларининг базавий бензинни углеводород таркибини ҳисобга олган ҳолда фазавий мувофиқлигини ўрганиш; этанол ва метанол-бензин аралашмаларини янги органик муқобил эритувчиларини ўрганиш; таркибида кислород ва азот сақловчи яратилган ёқилғи композицияларини автомобиль двигателида ишлатишни техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва экологик хусусиятларини аниқлаш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган паст октан сонли бензинларни турли хил композициялар ёрдамида октан сонини ошириш бўйича маълум бир назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган...»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан атроф-муҳитга кам таъсир этувчи юқори октан сонли ёқилғи композицияларини физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги №ПФ-4947-сонли Фармони ва 2018 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги №ПҚ-3983-сонли ҳамда 2019 йил 3 апрелдаги “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-4265 сонли Қарорларида, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV-“Атроф муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш” устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Ёқилғи саноатининг технологиясини такомиллаштириш, шунингдек, ёқилғига нисбатан экологик талабларини кучайтириш, бензинларнинг сифат кўрсаткичларини ва экологик тавсифларини кўтариш ҳамда бензин учун замонавий антидетонацион воситаларни ишлаб чиқиш борасидаги илмий тадқиқотларни Г.М.Сидоров, О.И.Хайрутдинов, И.Деревяго, А.Р.Рахматуллин, А.Ахметов, В.М.Капустин, В.Э.Эмельянов, В.Хавкин, Б.Н.Хамидов, Д.Ю.Юсупов, А.Икромов, С.М.Туробжонов, С.И.Саидахмедов ва бошқа олимлар олиб борган илмий ишлар киради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида юқори октан сонли турли хил компонентлар, кўндирмалар (присадкалар) ва антидетонацион қўшимчаларини кўллаб, композицион мотор ёқилғиларининг технологик параметрларини мақбул ечимлари аниқланиб ишлаб чиқарилган ва бензин ёқилғиси учун антидетонатор ишлаб чиқишнинг ҳозирги замонавий ҳолати ва бензинларни экологик хусусиятлари ҳамда сифатини ошириш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Шу билан бирга, бугунги кунда базавий компонентларнинг таркибини ўзгартириш ҳамда уларда самарали хавфсиз қўшимчалар ва кўндирмаларни кўллаш орқали экологик жиҳатдан анча самарадор янги композицион ёқилғиларни ишлаб чиқиш ва олишни яхшиланиши бўйича илмий изланишларни олиб бориш давом этмоқда.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ОТ-Ф7-04 «Шўртон газ-кимё мажмуасининг оралик маҳсулотлари (суяқ олефинлар) асосида функционал фаол бирикмаларнинг структура ва хоссалари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва қонуниятларини аниқлаш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** этанол–бензин ва метанол–бензинли ёқилғидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бензиннинг экологик ва эксплуатацион хусусиятларини яхшилайдиган, таркибида кислород ва азот сақловчи юқори октан сонли ёқилғи композицияларини яратишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

муқобил эритувчилардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида этанол ва метанол–бензин аралашмаларининг базавий бензинни углеводород таркибини ҳисобга олган ҳолда фазавий мувофиқлигини ўрганиш;

этанол ва метанол-бензин аралашмаларини янги органик муқобил эритувчиларини ўрганиш;

ишлаб чиқилган кислород ва азот сақловчи ёқилғи композицияларини физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларини ўрганиш;

таркибида кислород ва азот сақловчи маҳаллий ҳом ашёлар ва чиқиндилардан фойдаланиб яратилган ёқилғи композицияларини автомобиль двигателида ишлатишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва экологик хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг АВТ-3 қурилмасининг бензин фракцияси, каталитик риформинг бензини (риформат), техник метил спирти, таркибида асосий моддаси 99,7% дан кам бўлмаган (метилтретбутил эфири ишлаб чиқариш учун ҳом ашё), метилацетат, этилацетат, этанол, техник, таркибида асосий моддаси 96,0% дан кам бўлмаган МТБЭ, изобутил спирти (реактив сифатидаги) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Диссертация иши бўйича яратилган ёқилғи композицияларининг физик-кимёвий хоссалари, ёқилғини октанли сони ва уларни таркибий тузилиши газ-суюқ хроматографияси ва бошқа замонавий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Физик-кимёвий, вискозиметрик, октанометрик, электрономикроскопик, коллоид-кимёвий, газ-суюқлик хроматография усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

автомобилларда ишлатиладиган бензинларнинг октан сонини оширувчи компонентлари орасида этил спирти максимал даражадаги барқарорликни таъминлаб бериши аниқланган;

риформат-этанол аралашмаларининг фазавий барқарорлигини дастлабки аралашманинг турли миқдорий нисбатларида ароматик углеводородларнинг хилига ва концентрациясига боғлиқлиги исботланган;

нефтни қайта ишлашда олинadиган фракциялар метилацетат, этилендиацетат, гексаметилентетраамин, эфир альдегидли фракциялар ва бошқаларни биринчи мартаба антидетонаторлар воситаси сифатида ишлатилиши асосланган;

таркибида турли антидетонаторлар гуруҳларини ва қўшимчаларининг таъсирини кўрсатиш тамойиллари асосида Ўзбекистондаги маҳаллий кимё саноати ишлаб чиқариш маҳсулотлари асосида кислород ва азот сақловчи юқори самарадор антидетонацион қўшимчаларнинг таркиби яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Фарғона ва Чиноз нефтни қайта ишлаш заводларининг риформати асосида кислород ва азот сақловчи юқори октан сонли бирикмалар, қўшимчаларни қўллаш асосида янги композицион ёқилғи ишлаб чиқилган;

Таркибида кислород ва азот сақловчи маҳаллий ҳом ашёлар ва чиқиндилар ёрдамида ёқилғи композицияларини экологик хусусиятларини яхшилаш учун автомобиль бензинини стабиллашнинг шарт-шароитлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Физик-кимёвий хусусиятларни ўрганишда газ хроматографияси усуллари, ўта сезгир бўлган Мак-Бен тарози ҳамда мотор ва тадқиқот усуллари ёрдамида ёқилғининг октан сонини аниқлаш учун мослама ишлатилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти этанол, метанол-бензин аралашмаларига асосланган ёқилғи таркибини назарий ривожлантириш, кислород ва азот сақловчи органик бирикмалардан фойдаланган ҳолда корхона чиқиндиларини камайтириб, бензиннинг физик-кимёвий ва экологик хусусиятларини таққослашга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кислород ва азот сақловчи стабилизаторлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ва экологик жиҳатдан тоза ёқилғи таркибини олиш учун шароитларни яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Атроф-муҳитга кам таъсир этувчи юқори октан сонли ёқилғи композицияларини физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юқори октан сонли ёқилғи олиш учун таркибида азот ва кислород сақловчи турли органик бирикмаларнинг композицияси «Chinoz NQIZ» МСНҲ да 2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Chinoz NQIZ» МСНҲ нинг 2020 йил 04 февралдаги 96-сон маълумотномаси). Натижада октан сонини ОЧМ бўйича 8-10 бирликга, яъни 68 октан сонидан 80 октан сонигача кўтарилиш имконини беради.

алифатик спиртлар, оддий ва мураккаб эфирлар иштирокида этанол ва метанол бензинли ёқилғи аралашмалар олиш технологияси «Chinoz NQIZ» МСНҲ да 2021-2022 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 11 майдаги 28-1-11-01-231-сон маълумотномаси). Натижада мотор ёқилғисини ёнишида автомобил ички ёнув двигателларидан чиқаётган захарли СО ва NO<sub>x</sub> газларини миқдорини 2-5% (ҳажмий)га камайтириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини нашр қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иши чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги, зарурати, мақсади ва тадқиқот усуллари, тадқиқот объектлари, предмети, Республикадаги фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган.


Диссертациянинг биринчи **“Автомобиль ёқилғилари учун кўндирмалар ишлаб чиқишнинг ҳозирги даврдаги ҳолати ва ишлаб чиқариш истиқболлари”** бобида мавжуд адабиётлар ва автомобил ёқилғиларига антидетонацион кўшимчаларни қўллаш соҳасидаги ишларнинг аналитик шарҳи қилинган ҳамда яхшиланган экологик хоссага эга бўлган жумладан турли спиртлар, эфирлар ва бошқа оксигенатлар асосида бензинлар ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати ва истиқболлари ёритиб берилган.

Чоп этилган адабиётлар маълумотларини таҳлили асосида илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, мақсади аниқланди ва вазифалари белгилаб олинди ҳамда шу аснода тажриба тадқиқотлари олиб борилди. Маҳаллий ва арзон спирт-бензинли аралашмаларда биргаликда эрийдиган эритувчиларни қўллаб, уларнинг паст концентрацияларида турли бензин фракциялари октан сонини ошириш билан боғлиқ бўлган янги технологик ва экологик ечимларни топиш зарурдир.

Диссертациянинг иккинчи **“Дастлабки ҳом ашё ва ярим маҳсулотларни тадқиқот объектлари ҳамда тавсифлари”** бобида тадқиқот объектлари ва бошланғич ҳом ашё ва ярим маҳсулотларнинг қуйидаги физик-кимёвий ва кимёвий характеристикалари келтирилган: қайнаш ҳарорати – 180-200°C бўлган бензин фракциялари, тўғридан-тўғри ҳайдалган бензин фракцияси ва ФНҚИЗнинг АВТ-3 қурилмасини каталитик риформинг (риформат) бензини, техник метанол асосий модда миқдори 99,7% дан кам бўлмаган ҳом ашё (МТБЭ ишлаб чиқариш учун), асосий модда миқдори 96,0% дан кам бўлмаган МТБЭ, метилацетат, этилацетат, техник этанол ва изобутил спирти.

Риформатнинг физик-кимёвий характеристикалари, риформатнинг углеводородли индивидуал таркиби, таркибида кислород ва азот сақловчи бирикмалар хоссалари, биргаликда қўлланиладиган эритувчилар таркиби ва физик характеристикалари ва метанолли фракцияларнинг кимёвий таркиби келтирилган. Кўриб чиқилган органик кўшимчалар ўзининг табиати билан автомобил ёқилғиларига октан сонини оширувчи кўшимчалар (кўндирмалар) сифатида қўллашга тўлиқ лойиқлиги ва композицион таркиблар яратиш борасида анча чуқур тадқиқ қилишда устунроқлиги ҳамда уларнинг компонентлари аралаштирилганда ва биргаликда синергетик самарасини намоён қилиши кўрсатилган. Спиртлар, эфирлар, таркибида кислород ва азот сақловчи кўндирмалар (присадкалар) билан барқарорлаштирилган автомобил бензинларининг октан сонларини ҳисоби келтирилган.

Диссертациянинг учинчи “Этанол билан таркибида кенг тарқалган юқори октанли компонентлари бўлган товар бензинларини фазавий барқарорлик мувофиқлигини ўрганиш” бобида ФНҚИЗнинг Л-35-11/1000 каталитик риформинг қурилмаси бензини асосида спирт-бензинли аралашмани барқарорлаштириш тадқиқотлари натижалари келтирилган. Риформат-этанолли аралашмаси беқарорлик ҳароратини этанолни бензиндаги концентрациясига боғлиқлиги кўрсатилган (1-расм).



**1-расм. Риформат-этанол аралашмаси беқарорлик ҳароратини этанол концентрациясига боғлиқлиги (этанолдаги сув концентрацияси 6%).**

Этанол миқдорини 1% дан 3,5% гача ортиб бориши билан аралашма барқарорлиги камаяди. Этанол миқдорини 3,5% дан 13% оралиғида ортиши билан унинг барқарорлиги аксинча ортади. Бензин-этанолли аралашмаларнинг фазавий ажралиши сабабли унда сувнинг борлигидир. Худди бензин каби сув ҳам этанолда эрийди, унинг молекулалари этил ва гидроксил гуруҳларидан ташкил топгандир.

Спиртлар, эфирлар ва таркибида азот сақловчи бирикмалар асосида стабилизаторлар (октан сонини барқарорловчи моддалар)ни аниқлаш мақсадида бир қатор композициялар тайёрланди. Аввал бензинларга қўшимча сифатида тоза алифатик спиртлар ва эфирлар синовдан ўтказилди, уларнинг синов натижалари 1-жадвалда келтирилган.


**1-жадвал**

**Қўлланиладиган спиртлар, эфирлар ва таркибида азот сақловчи бирикмаларнинг барқарорлаштириш хоссалари**

Қўндирмаларнинг шартли белгиси	Бирикма	База ОЧМ	Қўшимча-нинг миқдори, % ҳажмий	Қўшимча билан октан сони	ОС нинг ўсиши
КП-1	Метанол	А-68	10,0	70,2	2,2
КП-2	Этанол	-/-	10,0	70,8	2,8
КП-3	Изобутанол	-/-	10,0	71,2	3,1
КП-4	Метил-ацетат	50,0 (тўғридан -тўғри	8,0	60	10
КП-5	Этилацетат	А-68	10,0	72,1	4,1
КП-6	Этиліден-диацетат	А-72	10,0	78,0	6,0
КП-7	Моноэтанол-аминнинг сирка эфири	-/-	6,0	78,2	6,2

КП-8	Уротропин	-//-	2,0	75,4	3,4
КП-9	Моноэтанол-аминнинг метил эфири	-//-	10,0	80,1	8,1
КП-10	Метилацетат	A-72	10,0	76,0	4,0

1-жадвалдан кўришиб турибдики, октан сони (ОС)нинг энг кўп ўсиши тўғридан-тўғри ҳайдалган бензинга метилацетат қўшилганда кузатилди. Уни 8% ҳажмий миқдорда қўшилганда ОСни 10 бирликка ортишига олиб келади. Уротропинни 2% қўшилиши бензин ОСни 3-4 бирликка кўтариш имкониятини беради.



2-расм. Этанолни n-алканларга қайтарувчи дегидратация реакцияси учун ҳосил бўлиш энтальпияси (ΔH) ва Гиббс энергияси (ΔG).

“Риформат-ўртача дистиллят” ёқилғи аралашмасини физик-кимёвий хоссаларини (2-расм) аниқлаш ва уларни бошланғич риформат билан ҳамда автобензин маркаларига қўйиладиган талаблар билан солиштириш натижасида шуни аниқландики, каталитик риформинг ўртача дистиллятини деярли барча турдаги товар бензин ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин. Лекин, октан сони 92 (тадқиқот усули бўйича) ва ундан юқори бўлган маркали бензин тайёрлашда база бензини детонацион барқарорлик бўйича бир мунча захирага эга бўлиши керак. Бундан ташқари бензин таркибига таркибида кислород ва азот сақловчи қўшимчалар каби паст қайновчи юқори октанли компонентларни қўшиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида метанол, этанол, уротропин ва юқори спиртларни самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши муносабати билан метанол, этанол, изобутанол ва уратропин асосида этилидендиацетат, моноэтанолламинни сирка эфири, моноэтанолламинни метил эфири, ЭДА, ААМЭА, МЭМЭА ва фурфурил спирти асосида олинган ёқилғи композицияларининг антидетонацион хоссалари ўрганилди (2-жадвал).

Фуран бирикмаларни олиш жараёнида ҳосил бўлувчи фурфурил спиртидан фойдаланиб ёқилғи композицияларини антидетонацион хоссаларини ўрганиш октан сони 50 дан 72 гача бўлган базавий бензинга ушбу қўшимчадан 5-10% миқдорларда қўшилганида ёқилғи композициясини октан сони энг кўп даражада ортиши КАП-10, КАП-14, КАП-16, КАП-18 ва КАП-19 деб шартли равишда белгилаб олинган қўндирмали композицион ёқилғиларида кузатилди. Бунда базавий бензиннинг октан сонини 50-72 дан 60-80,1 гача ошиши топилди.


**Метанол ва этанол асосидаги ёқилғи композицияларининг  
антидетонацион хоссалари**

№ т/р	Ёқилғи композициянинг шартли белгиси	Ёқилғи композициясининг таркиби, % ҳажмий	Октан сони		Октан сонини ортиши
			Қўшимчасиз	Қўшимча билан	
1	ТК-1	СН <sub>3</sub> ОН – 60.0 С <sub>2</sub> Н <sub>5</sub> ОН – 10.0 СН <sub>3</sub> СООСН <sub>3</sub> – 10.0 изо-С <sub>4</sub> Н <sub>9</sub> ОН – 10.0 С <sub>6</sub> Н <sub>12</sub> Н <sub>4</sub> – 10.0	72,0	78,0	6,0
2	ТК-2	СН <sub>3</sub> ОН – 70.0 С <sub>2</sub> Н <sub>5</sub> ОН – 5.0 изо-С <sub>4</sub> Н <sub>9</sub> ОН – 20.0 изо-С <sub>3</sub> Н <sub>7</sub> ОН – 5.0	72,0	78,0	6,0
3	ТК-3	СН <sub>3</sub> ОН – 65.0 С <sub>2</sub> Н <sub>5</sub> ОН – 10.0 изо-С <sub>4</sub> Н <sub>9</sub> ОН – 20.0 Этилидендиацетат – 5.0	70,0	77,0	7,0
4	ТК-4	СН <sub>3</sub> ОН – 50.0 С <sub>2</sub> Н <sub>5</sub> ОН – 5.0 изо-С <sub>4</sub> Н <sub>9</sub> ОН – 15.0 Этилиденацетат – 15.0 Диизопропил спирти – 15.0	72,0	81,0	9,0
5	ТК-5	СН <sub>3</sub> ОН – 50.0 С <sub>2</sub> Н <sub>5</sub> ОН – 5.0 изо-С <sub>4</sub> Н <sub>9</sub> ОН – 20.0 Этилидендиацетат – 15.0 МТБЭ – 10.0	72,0	82,0	10,0
6	ТК-6	СН <sub>3</sub> ОН – 60.0 С <sub>2</sub> Н <sub>5</sub> ОН – 5.0 изо-С <sub>4</sub> Н <sub>9</sub> ОН – 10.0 Этилидендиацетат – 10.0 Диизопропил спирти – 5.0 МТБЭ – 8.0 Уротропин – 2.0	72,0	88,0	16,0

Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасида метанол, этанол, уротропин ва юқори молекуляр оғирликдаги спиртлар ишлаб чиқаришни янада салиоғини ошириш ва улар асосида ЭДА, ААМЭА, МЭМЭА ва фурфурил спирти каби қўндирмаларни ишлатган ҳолда таркиби барқарор ва экологик талабларга мос келувчи ёқилғи композицияларини яратиш истиқболларини белгилаб беради.

Олинган тажриба натижалари таркиби ТК-6 белгили ёқилғи композицияси қўшилган А-76 маркали автомобил бензинининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари ўрганилди. Синалган қўшимчаларда энг кўп миқдордаги кислород метанолда, этилендиацетатда, метилацетатда ва ацетамидацетат, моноэтаноламинда экан. Бензин таркибига ушбу компонентлардан 10 %миқдорда қўшилганда кислород миқдори 3,3 дан 5,5% (ҳажм.) гача ортади. Риформат-этанолли аралашмага 90:10 ҳажмий нисбатда

10-40% (ҳажмий) миқдорда турли ароматик углеводородлар қўшилди ва беқарорлик ҳарорати аниқланди. 3-расмдан кўриниб турибдики, тадқиқ қилинган углеводородлар ичида бензол максимал, *пара*-ксилол эса минимал барқарорлик самарасини намоён қилади.



**3-расм. “Риформат-этанолли аралашма”нинг беқарорлик ҳароратини индивидуал ароматик углеводородлар концентрациясига боғлиқлиги**

Ароматик углеводородлар концентрациясини бензинга изооктан қўшиш йўли билан соланади. Тадқиқ қилинган этанол-рифформат аралашмасининг таркибидаги этанол концентрациясини камайиши билан ушбу ҳарорат оралиғида аралашмани барқарорлаш учун зарур бўлган бензин таркибидаги ароматик углеводородларни миқдори ортади. Агар ҳажмий нисбати 90:10 бўлган аралашмани 20°C да барқарорлаш учун 29% (ҳажмий) миқдорда ароматик углеводородлар керак бўлса, 93:7 нисбатдаги аралашма учун эса бензин таркибидаги уларнинг концентрацияси 52,5% (ҳажмий) га етиши керак. Метанол асосидаги спирт-бензинли ёқилғи композицияси (СБТК) анча паст даражали фазавий барқарорлиги билан характерланади. Метанолли фракция пропилендан бутил спирти ишлаб чиқаришда қўшимча модда сифатида ҳосил бўлади ва СБТК учун яхши ҳамда арзон компонент бўлиб ҳисобланади. 4-расмда “рифформат-метанолли аралашма”ни беқарорлик ҳароратини ушбу фракцияни қўллаган спирт концентрациясига боғлиқлиги эгри чизиқлари келтирилган.

4-расмга биноан “рифформат-метанолли фракция” асосида олинган СБТКнинг ёзги маркасини (лойқаланиш ҳарорати – 5°C дан кам бўлган) метанол концентрациялари 2,5% юқори концентрацияларида олиш мумкинлиги келтирилган.

Шу аниқландики, рифформат билан солиштирилганда СБТК анча юқори октан сонига эгадир ва бу юқори октанли товар бензинларини ишлаб чиқаришда қўшимчага нисбатан паст октан сонига эга бензин оқимларининг ресурсларини жалб қилиш имкониятини беради. Рифформатга нисбатан СБТК анча кўп миқдорда амалда мавжуд бўлган (фактик) смолаларга эгадир, унда кислоталик, тўйинган буғ босимлари ва қайнашни охириги ҳарорати юқоридир.



**4-расм. «Риформат-метанолли фракция» аралашмасини бекорорлик хароратини метанолли фракция концентрациясига боғлиқлиги: 1-стабилизаторларсиз; 2-стабилизаторлар иштирокида.**

Таклиф этилган таркибда кислород ва азот сақловчи бирикмаларни двигателнинг қуввати ва иқтисодий кўрсаткичларига таъсири ҳисоблари шуни кўрсатдики, двигателни ушбу ёқилғи композицияларида ишлашида, худди барча анъанавий кислородли ёқилғи композицияларини қўллагани каби пастки ёниш иссиқлиги ва двигателнинг ёқилғи тежамкорлиги камаяди. Бунда охириги кўрсаткич, яъни двигателни ёқилғи тежамкорлиги олинган ёқилғи композициялари учун 1,0-1,7% га камаяди. Лекин, кислородли бирикмаларни ёнишдаги анча юқори фаоллиги ҳисобига ёқилғи композицияларини барқарор ёниш оралиғи 1,2-1,3% га кенгайди, бу ёқилғини фактик (амалда) тежалишига олиб келади. Шунини таъкидлаш керакки, ёқилғи таркибига кислородли компонентларни киритилиши унинг экологик кўрсаткичларини ҳам сезиларли даражада яхшилайдди. Товар бензинлар аралашмасини фазавий барқарорлиги этанол билан максимал барқарорликни риформат намоён қилади.

Диссертациянинг тўртинчи “Кислород ва азот сақловчи автомобил ёқилғиси композицияларини ишлаб чиқиш рецептураси” бобида таркибида кислород ва азот сақловчи органик моддалар асосидаги ёқилғи композицияларнинг солиштирилган физик-кимёвий ва экологик тавсифлари келтирилган. СБТК нинг асосий физик-кимёвий хоссаларини товар бензинини Давлат стандарт талабларига мос келишини аниқлашда тадқиқотларни олиб бориш учун таркибида кислород ва азот сақловчи стабилизаторни қўллаб риформат асосида тўртта ёқилғи композициялари тайёрланди. 3-жадвалда ушбу композицияларнинг таркиби келтирилган.

ФНҚИЗнинг каталитик риформинг қурилмаси риформатининг стабилизатори сифатида техник этанол (94%), индивидуал таркибида кислород сақловчи бирикмалар ва пропиленни гидроформиллаш ва 2-этилгексанол ишлаб чиқариш жараёнлари қўшимча маҳсулотлари қўлланилади ва уларнинг хоссалари 4-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Таркибида кислород сақловчи ёқилғи композициялари таркиби


Компонентлар	Ёқилғи композицияларини намуналари			
	№1	№2	№3	№4
Риформинг бензини	85%	85%	85%	85%
Техник этанол	10%	10%	10%	10%
Спирт эфирли аралашма	5%			
Эфирнинг бош қисми				5%
Ўрта дистиллят			5%	
КОБС		5%		

### 4-жадвал


#### Нефт кимёвий қўшимча маҳсулотлари таркиби ва хоссалари

Кўрсаткичларни номланиши	Спирт эфирли аралашма (СЭС)	Куб қолдик (КОБС)	Ўрта дистиллят	Эфирнинг бош қисми
1. Таркиби, массавий улуш, %				
∑C <sub>4</sub> спиртгача компонентлар	1,76	0,08	1,48	4,62
∑C <sub>4</sub> спирт компонентлари	15,57	1,47	15	90,26
∑C <sub>8</sub> спиртгача компонентлар	45	4	13,1	1,7
∑C <sub>8</sub> спирт компонентлари	30,49	77,96	53,24	0,6
шу жумладан 2-этилгексанол	5,7	71,27	17,17	0,24
∑C <sub>8</sub> спиртдан юқори компонентлар	4,2	15,07	16,61	0,18
H <sub>2</sub> O	2,07	0,52	0,26	2,58
2. 20°Сдаги зичлик, кг/м <sup>3</sup>	806	816	808	801
3. Фракцион таркиб: °С				
- ҳайдашни бошланғич ҳарорати	106	165	105	100
- 10% ҳайдашдаги ҳарорати	131	172	142	106
- 50% ҳайдашдаги ҳарорати	150	184	169	112
- 90% ҳайдашдаги ҳарорати	176	195	185	118
- охири қайнаш ҳарорати (98%)	200	200	197	125
4. Октан сони (м.м.)	80,7	78,5	80,2	86,5

Маҳаллий хом ашё ҳисобланган метанол, формалдегид, сирка кислотаси ва бошқалар асосида мураккаб ва оддий эфирлар, амидлар, нитриллар, аминлар ва таркибида кислород ва азот сақловчи бошқа маҳсулотлар синтез қилинган. Метилацетат ва этилацетат маълум услубда синтез қилинди. Этилидендиацетатни (ЭДА) ацетиленни 160-220°С да сирка кислотаси билан алюминий оксидида рух ва кадмий ацетати катализаторидан ўтказиш орқали олинган, реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Моноэтаноламиннинг метил эфири (МЭМЭА) ва моноэтаноламиннинг ацетамидини (ААМЭА) куйидаги схемага биноан олинди:



Метилацетат, этилацетат, метанол ва таркибида азот сақловчи бирикмалар асосида композициялар олинган, уларнинг таркиблари 5-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, КАП-10, КАП-14, КАП-11 ва КАП-19 композициялари энг самарали ҳисобланадилар, улар бензинни октан сонини 8 дан 10 бирликгача кўтариш имкониятини беради. КАП-19ни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш А-68 базавий бензиндан А-76 товар бензинни олиш имконини беради.

### 5-жадвал

#### Метанол асосидаги таркибида кислород ва азот сақловчи қўндирмалар (КАП) таркиби

№	Шартли белги	Таркиб, % ҳажмий					
		Метанол	Этанол	Изобутанол	ЭДА	ААМЭА	МЭМЭА+фурфирол спирти
1.	КАП-10	74	10	5	5	4	2
2.	КАП-11	72	12	6	4	4	2
3.	КАП-12	70	10	15	3	2	-
4.	КАП-13	64	8	15	8	7	2
5.	КАП-14	60	10	20	5	2	1
6.	КАП-15	71	5	15	5	2	2
7.	КАП-16	58	5	20	10	2	2
8.	КАП-17	56	5	25	10	2	2
9.	КАП-18	55	10	20	10	3	2
10.	КАП-19	55	15	15	10	3	2

Учувчанлиги бўйича КАП-19 бензиннинг ўрта компонентига ўхшашдир. Натижада у бензин билан тўлиқ аралашади. Таркибида КАП-19 бензинларда ҳатто сув бор бўлганда ҳам фазаларни ажралиши кузатилмайди. Бошқа углеводородли бензинлар билан солиштирилганда, 6% миқдордаги бензинни КАП-19 билан аралашмаси ички ёнув двигателида қўлланилганда талаб этиладиган октан сонини ошишини таъминлайди ҳамда бензинни сарфланишида ва ривожланаётган қуввати бўйича фарқ мавжуд бўлмасдан ёқилгани сарфи бўйича муаммо йўқ. КАП-19 қўлланилганда атроф-муҳитни заҳарли газлардан СО, канцероген ароматик моддалар билан ифлосланиши сезиларли даражада камаяди. Барча сарф ҳаражатларни ҳисобга олганда КАП-19 нинг нархи бензин нархидан тахминан 1,5 марта пастдир.

Синов учун олинган органик қўшимчалардан метилацетат, этилацетат ва 12 композиция энг самаралироқ ҳисобланади. Уларни 10% ҳажмий миқдорда қўшилиши бензин октан сонини 9,0 бирликка ортишига имкон беради. Ёқилғига метанолни қўшилиши атмосферага ташланаётган заҳарли моддаларни камайишига олиб келади, бундай аралашманинг октан сони эса

метанол миқдорини ортиши билан ошади (аралашманинг тадқиқот усули билан аниқланган октан сони – 135га, мотор усули билан аниқлангани – 104га тенг). Метанолни ёниш иссиқлиги бензинга нисбатан деярли икки барабар камроқ бўлганлиги учун аралашган ёқилғининг хажмий сарфи шу фарққа мос равишда ортишини кутиш мумкин. Лекин тадқиқот натижаларига биноан бу тахминлар исботланмади.

6-жадвал маълумотларига биноан тўртинчи ўриндаги композиция энг самарали ҳисобланади. Октан сони ўзгарганда тузилиши ва  $\Delta H_{\text{ёниш}}$  ўртасида маълум қонуният кузатилади ва метилацетат ва этилацетат анча самарали қўшимча ҳисобланади. Уларни 10% хажмий миқдорда қўшилиши бензин октан сонини 9.0-13.0 birlikгача кўтариш имкониятини беради.

**6-жадвал**

**Метанол асосидаги ёқилғи композицияларини антидетонацион хоссалари (қўшимча миқдори 10% хажмий )**

Ёқилғи композицияси таркиби, % хажмий	Октан сони		Октан сонини ортиши
	Қўшимчасиз	Қўшимча билан	
CH <sub>3</sub> OH – 60.0 C <sub>2</sub> H <sub>5</sub> OH – 10.0 CH <sub>3</sub> COOCH <sub>3</sub> – 8.0 изо-C <sub>4</sub> H <sub>9</sub> OH – 2.0 C <sub>6</sub> H <sub>12</sub> N <sub>4</sub> – 2.0	72,0	78,0	6,0
CH <sub>3</sub> OH – 70.0 C <sub>2</sub> H <sub>5</sub> OH – 5.0 изо-C <sub>4</sub> H <sub>9</sub> OH – 25.0	72,0	78,0	6,0
CH <sub>3</sub> OH – 70.0 C <sub>2</sub> H <sub>5</sub> OH – 5.0 изо-C <sub>4</sub> H <sub>9</sub> OH – 20.0 Этилидендиацетат – 5.0	69,0	77,0	8,0
CH <sub>3</sub> OH – 60.0 C <sub>2</sub> H <sub>5</sub> OH – 5.0 изо-C <sub>4</sub> H <sub>9</sub> OH – 15.0 Диизопропил спирти – 5.0 МТБЭ – 8.0 Уротропин – 2.0	72,0	85,0	13,0

Метанол, этанол, сирка кислотаси, моноэтанолламин, ацетилен, аммиак ва бошқалар асосида таркибида кислород бўлган антидетонаторлар олиш мақсадида синтез қилинган ацетатнинг оддий ва мураккаб эфирлари бензинда антидетонаторлар сифатида синовдан ўтказилди (7-жадвал).

**7-жадвал**

**Спиртлар, эфирлар ва аминокбирикмаларнинг антидетонацион хоссалари**

№	Қўндирмаларнинг шартли белгилари	Бирикма	Базавий ОЧМ	Қўшимча миқдори, % хажмий	Қўшимча билан октан сони	ОСнинг ўсиши
1.	КП-1	Метанол	А-68	10,0	70,2	2,2
2.	КП-2	Этанол	-//-	10,0	70,8	2,8
3.	КП-3	Изобутанол	-//-	10,0	71,2	3,1

4.	КП-4	Метил-ацетат	50,0 (прямогон.)	8,0	60	10
5.	КП-5	Диизопропил эфири	А-72	10,0	78,0	6,0
6.	КП-46	Этилацетат	А-68	10,0	72,1	4,1
7.	КП-47	Этилиден- диацетат	А-72	10,0	78,0	6,0
8.	КП-48	Моноэтанолами нни сирка эфири	-//-	6,0	78,2	6,2
9.	КП-49	Уротропин	-//-	2,0	75,4	3,4
10.	КП-50	Моноэтанолами нни метил эфири	-//-	10,0	80,1	8,1
11.	КП-4	Метилацетат	А-72	10,0	76,0	4,0
12.	КП-51	Пропанол	-//-	10,0	76,2	4,2
13.	КП-52	Пропанол	-//-	10,0	77,0	5,0
14.	КП-53	Трет-бутил спирти	-//-	10,0	79,0	7,0

7-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра энг кўп октан сонини ўсиши тўғри ҳайдалган бензинга метилацетат қўшилганда кузатилади. Уни 8% микдорда қўшилиши октан сонини 10 бирликка ортишига олиб келди, яъни октан сонини 1,25 бирликка ортиш имкониятини беради ва бунда уротропин энг катта самарадорликка эгадир. 8-жадвалда “Ўрта дистиллят” (90:10) риформат аралашмасининг асосий физик-кимёвий хоссаларини бошланғич риформат ва “Регуляр-92” маркали бензинга қўйиладиган талаблар билан солиштирма қийматлари келтирилган.

“Регуляр-92” товар маркали бензини ва “Ўрта дистиллят” асосида олинган ёқилғи композицияларини солиштириш таҳлили бўйича синовлар ўтказилди (9-жадвал).

## 8-жадвал

### Базавий риформат ва олинган ёқилғи композицияларининг кўрсаткич ва хоссалари (О‘zDSt 3031:2015 талаблари бўйича)

Кўрсаткичларни номланиши	О‘zDSt 3031:2015	Базавий риформат	Ёқилғи композицияси
I 20°Сдаги зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	700-750	779	781
2 Детонацион барқарорлиги: -октан сони тадқиқот усули бўйича, кам эмас	91,0	91,4-92,1	92,7
3 Фракцион таркиб, °С: - бошланғич қайнаш ҳарорати, кам эмас - 10 % да ҳайдаладиган ҳарорат, кўп эмас - 50 % да ҳайдаладиган ҳарорат, кўп эмас - 90 % да ҳайдаладиган ҳарорат, кўп эмас - охири қайнаш ҳарорати, кўп эмас - қолбадаги қолдиқ, %, кўп эмас - қолдиқ ва йўқотишлар, %, кўп эмас	35 75 120 190 215 2,0 4,0	41 77 120 170 196 1,0 2,1	38 71 121 163 192 1,0 2,5
4 Тўйинган буғ босими, кПа (мм.сим.уст.), кўп эмас: ёзги	66,7(500)	40,7 (305)	40 (300)

қишги	66,7-93,3 (500-700)		
5 Фактик смолалар микдори, мг/100 см <sup>3</sup> , кўп эмас	5,0	0,2	1,2
6 Бензолни ҳажмий улуши, %, кўп эмас	5	1,8	1,6
7 Бензиннинг индукцион даври, мин, кам эмас	450	1220	1160
8 Олтингугурт микдори, мг/кг, кўп эмас	500	130	110
9 Мис пластинкада синаш ва ташқи кўриниши	Чидайди		Тоза, шаффоф

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, пропиленни гидроформиллаш усули билан бутил спирти ишлаб чиқаришда қўшимча маҳсулот сифатида ҳосил бўладиган «Метанолли фракция» СБТКнинг яхши ва арзон компоненти ҳисобланади. Унинг асосидаги СБТКни фазали барқарорлаш учун тоза метанол қўлланилганга нисбатан анча кам стабилизатор талаб қилинади.

#### 9-жадвал

#### «Регуляр-92»: «Ўрта дистиллят» (92:8) аралашмасини физик кимёвий хоссаларини «Регуляр-92» маркали бензин талаблари билан қиёсий кўрсаткичлари

Кўрсаткичларни номланиши	Меъёрий кўрсаткичлар	Дастлабки бензин «Регуляр-92»	Ёқилғи композицияси
1 Детонацион барқарорлиги:			
-октан сони			
тадқиқот усули бўйича, кам эмас	92,0	92,2	90,7
5 Фактик смолалар концентрацияси, мг/100 см <sup>3</sup> , кўп эмас	5,0	0,8	1,4
3 Қўрғошин концентрацияси, г/дм <sup>3</sup> , кўп эмас	0,013	-	-
4 Бензиннинг индукцион даври, мин, кам эмас	360	441	390
5 Мис пластинкада синаш	1 синфга бардош беради		
6 Олтингугурт масса улуши, %, кўп эмас	0,05	0,015	0,018
7 Бензолни ҳажмий улуши, %, кўп эмас	5	4,3	4,1
8 Фракцион таркиб, °С:			
- бошланғич қайнаш ҳарорати, кам эмас	н/н 35	39	41
- 10 % да ҳайдаладиган ҳарорат, кўп эмас	н/в 75	60	65
- 50 % да ҳайдаладиган ҳарорат, кўп эмас	н/в 120	104	112
- 90 % да ҳайдаладиган ҳарорат, кўп эмас	н/в 190	160	168
- охирги қайнаш ҳарорати, кўп эмас	н/в 215	196	203
- колбадаги қолдиқ, %, кўп эмас	н/б 2	1,0	1,0
- қолдиқ ва йўқотишлар, %, кўп эмас	н/б 4	3,0	2,0
9 20°Сдаги зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	—	765	770

2-этилгексанол ишлаб чиқариш ва пропиленни гидроформириллаш жараёнлари маҳсулотлари асосида таркибида кислород сақловчи юқори октанли экологик кўрсаткичлари яхшиланган ёқилғи композициялари ишлаб чиқилди. СБТКдан фарқли, улар юқори фазавий барқарорликни ва иқтисодий жиҳатдан таннархини арзонлиги билан характерланади.

## ХУЛОСА

Диссертация ишини бажарилишида қуйидаги асосий илмий ва амалий натижалар олинган:

1. Максимал барқарорликка эга бўлган этанол-бензинли ва метанол-бензинли ёқилғи композицияларини эксплуатацион самарадорлигини ошириш ва базавий бензиннинг углеводород таркибини ҳисобга олган ҳолда ўзида кислород ва азот сақловчи ёқилғи композицияларини фазавий барқарорлик хоссалари билан асосланади.

2. Бошланғич аралашманинг турли миқдорий нисбатларида риформат-метанол ва риформат-этанолли аралашмаларнинг фазавий барқарорлиги таркибида кислород ва азот сақловчи углеводородларни табиати ва концентрацияларига боғлиқлиги кўрсатилган. Алмашувчилар ва фаол функционал гуруҳлар сонини ортиши билан аралашманинг фазавий барқарорлигини камайиб боришини кўрсатади.

3. Антидетонацион қўшимчалар сифатида метанол – 50,0-60,0% (ҳажмий); этанол – 5,0%; изо-бутанол – 10,0-15,0%; МТБЭ – 8,0-10,0% ва диизопропил спирти – 5,0% каби кислород ва азот сақловчи органик бирикмалар биринчи маротаба тадқиқ қилиниб, уларнинг антидетонацион самарадорлиги аниқланди. Ушбу бирикмалар тўғридан-тўғри ҳайдалган бензин фракциясига 5,0-10,0% ҳажмий миқдорда қўшилганида октан сонини ОЧМ бўйича 3,3-4,0 бирликка ва ОЧИ бўйича 4,5-7,5 бирликка максимал ортиши изоҳланади.

4. Этанол ва метанолни кислород ва азот сақловчи қўшимчалар билан компаундирланганда илк бор октан сонининг кўпайишининг синергетик таъсири аниқланди. Алифатик спиртлар, оддий ва мураккаб эфирлар, уротропин, фурфурил спирти ва бошқа бирикмаларни аралашмасидан иборат антидетонацион композицияда октан сонини ортишининг энг катта синергик самарага эга эканлиги топилди.

5. Октан сони ортишининг нисбатан энг юқори синергетик таъсири антидетонаторларни қуйидаги композицион таркибда (% ҳажмий): метанол асосида – 60,0; этанол – 5,0; изобутил спирти – 15,0; диизопропил спирти – 5,0 ва МТБЭ – 8,0; фурфурил спирти – 1,0-2,0 ва бошқа саноат чиқиндилари эканлиги билан изоҳланади.

6. Маҳаллий хом ашёлар ва чиқиндилардан фойдаланиб яратилган антидетонацион композицион таркибли асосида автомобил бензинининг тажриба синов партиялари ишлаб чиқарилди. Олинган ушбу АИ-80 маркали автомобил ёқилғисини октан сонини ошириш О'zDSt 3031:2015 талаблари асосида ФНҚИЗ ва ЧНҚИЗларида синовлардан ўтказилиб корхоналарни ҳар бирида йилига 196 млн. сўм маблағни иқтисодий тежаш имконияти мавжудлиги аниқланди.

7. Республика кимё саноатининг маҳаллий маҳсулотлари асосида таркибида кислород ва азот сақловчи юқори октанли қўшимчаларни ўз ичига олган экологик кўрсаткичлари яхшиланган ва атроф-муҳитга кам таъсир этувчи ёқилғи композициялари ишлаб чиқилди. Натижада бензиндаги боғланган кислород миқдорини ортиши мотор ёқилғисини ёнишида автомобил ички ёнув двигателларидан чиқаётган заҳарли СО ва NO<sub>x</sub> газларини миқдорини 2-5% (ҳажмий)га камайиши асосланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КАЮМОВ ЖАМШИД САЙФУЛЛАЕВИЧ**

**ИЗУЧЕНИЕ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИХ И ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ  
СВОЙСТВ МАЛО ВЛИЯЮЩИХ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ  
ВЫСОКО ОКТАН ЧИСЛОВЫХ ТОПЛИВНЫХ КОМПОЗИЦИИ**

**11.00.05-Охрана окружающей среды и рациональное использование природных  
ресурсов**

**02.00.14 - Технология органических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.3.PhD/К151.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страница Научного совета ([www.tkti.uz](http://www.tkti.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научные руководители:** Турабджанов Садриддин Махаммадирович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Нуруллаев Шавкат Пайтневич  
кандидат химических наук, профессор

Муталов Шухрат Ахмаджанович  
доктор химических наук, профессор

Икромов Абдувахоб  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «28» 12 2020 года в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (99871) 244-79-21; Факс: (99871) 244-79-17. e-mail: [info@tkti.uz](mailto:info@tkti.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 102 с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (99871)244-79-21)

Автореферат диссертации разослан «21» 12 2020 года.  
(Реестр за № 9 от «21» 12 2020 г.).



**Х.Л.Пулатов**

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., доцент

**Ф.Б.Игитов**

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению учёных степеней, PhD, доцент

**К.Г.Мухамедов**

Председатель научного семинара при разовом научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире активно проводятся исследования, посвященные понижению содержания выходящих вредных выбросных газов при сжигании отработанных жидких топлив в автомобильных транспортах и разработке новых композиций модернизированных типов топлив, отвечающим экологическим требованиям. В настоящее время в мире и в республике Узбекистан большое внимание уделяется созданию и разработке рецептур, а также компонентов топлив, связанных с требованиями показателей окружающей среды.

В мире настоящее время научное обоснование решения по получению и применения без вредных на окружающую среду топлив имеют следующие направления: изучение фазовых соответствий этанол и метанол-бензиновых смесей с учетом углеводородного состава базовых бензинов с применением альтернативных растворителей с целью повышения эффективности использования; изучение новых альтернативных растворителей в этанол и метанол-бензиновых смесей; определение технико-экономических и экологических свойств разработанных кислород и азотсодержащих топливных композиций при применения в автомобильных двигателях.

Сегодня в Узбекистане по повышению октановых чисел низкооктановых бензинов с помощью различными композициями определенная научные практические результаты. В третий направлении Стратегии развития Республики Узбекистан «...направленной на модернизацию, техническое и технологическое обновление производства, реализацию проектов производственной, транспортно-коммуникационной и социальной инфраструктуры»<sup>1</sup> предусмотрен актуальные задачи. В этом отношении, в частности, проведение научных исследований, направленных определению физико-химических и эксплуатационных свойств влияния на окружающую среду высокооктановых топливных композиций, является актуальным.

Реализуемые в нашей республике реформы по формированию устойчивой и эффективной производства моторных топлив дают свои положительные результаты. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования в области усовершенствования технологии топливной промышленности, а также как ужесточение экологических требований к топливу, повышение показателей качества и экологической характеристики бензинов и современное состояние производства антидетонаторов к бензинам проводили Г.М.Сидоров, О.И.Хайрутдинов, И.Деревяго, А.Р.Рахматуллин, А.Ахметов, В.М.Капустин, В.Е.Емельянов, В.Хавкин, Б.Н.Хамидов, Д.Ю.Юсупов, А.Икрамов, С.М.Турабджанов, С.И.Сайдахмедов и другие ученые.

В результате проведенных исследований были выявлены оптимальные решения технологических параметров производства композиционных моторных топлив с применением различных высокооктановых компонентов и антидетонационных добавок, и присадок, показано направление повышения качества и экологические характеристики бензинов и современное состояние производства антидетонаторов к бензинам.

Вместе с тем, сегодня продолжается ведение научных исследований по получению и производства новых композиционных топлив, улучшенной экологической характеристики бензинов как путем изменения состава базовых компонентов, а также использованием эффективных и безопасных добавок и присадок к ним.

**Связь диссертационного исследования с тематическим планом научно-исследовательских работ.** Диссертация выполняется в рамках плана научно-исследовательских работ инновационного проекта Ташкентского химико-технологического института ОТ-Ф7-04 по теме: «Разработка научных основ, установление закономерностей взаимосвязи структуры и свойств функционально-активных соединений на основе промежуточных продуктов (жидких олефинов) Шуртанского газо-химического комплекса» (2017-2020 гг.).

**Целью диссертационной работы** является повышение эффективности применения этанол – бензиновых и метанол – бензиновых топлив и разработка новых азот и кислородсодержащих высокооктановых топливных композиций, улучшающие экологические и эксплуатационные характеристики автомобильных бензинов.

**Задачи исследования заключается в следующем:**

исследование фазовой совместимости этанол и метанол-бензиновых смесей с учетом углеводородного состава базового бензина с целью повышения эффективности применения соразтворителей;

исследование новых органических соразтворителей этанол и метанол-бензиновых смесей;

исследование физико-химических и эксплуатационных свойств, разработанных кислород- и азотсодержащих топливных композиций;

